

## ФАТВО МАРКАЗИ ТОМОНИДАН 2023 ЙИЛГИ ЖУМА ТЕЗИСЛАРИНИНГ МАХСУС ИЛОВАЛАРИ

### Хориждаги ҳамюртларимизни бузғунчи ғоялардан огоҳлантириш

**Ҳурматли жамоат!** Динимизда инсон мукаррам ва азиздир. Унинг манфаатлари ҳимоя қилинади ва зарар кўришига ёки ўзгага зарар беришига рухсат берилмайди. Бу борада Қуръони каримда шундай дейилади: **“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган қўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”** (Исро сураси, 70-оят).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом зарар бериш ёки зарар кўриш ҳақида шундай дейилган: **“Зарар кўриш ҳам зарар бериш ҳам йўқ”** (Имом Ибн Можа, Дорақутний ривоятлари).

Маълумки кейинги йилларда чет элда тирикчилик учун меҳнат қилаётган мигрантларга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгарди. Аввал қадр топмаган юртдошларимизга ўз шаънларига яраша ҳурмат топмоқдалар. Юртимиз ривожига учун уларнинг ҳиссаси катта бўлаётгани, улар сабаб юртимизга ҳар йили катта маблағ кириб келаётгани ва иқтисодимизга гўёки янги қон қуяётганини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз. Буни эътиборга олган давлатимиз уларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларни оилаларидан хабар олиб туриш ва ҳатто уларга ўзини-ўзи банд қилуви сифатида нафақа таъминлашни йўлга қўйди.

Мигрантларимиз дуч келаётган катта муаммолардан бири чет элларда турли буғунчи оқим вакиллари билан ёки уларнинг ижтимоий тармоқдаги тарғиботларига дуч келади. Одамларга тузоқ қўядиган бузғунчилар имонли кишининг ҳиссиётларини қўзғайдиган расм ва видеоларни эълон қилади. Гўё қайсидир зулм кўраётган мўмин-мусулмонларга унинг ёрдами керак ва у ўша жойларга бориши керак. Видео ва аудиолар остида боғланиш мумкин бўлган рақамлар ва бошқа нарсалар қолдирилади. Улар билан алоқага чиқса, тўрға тушгани шу бўлади. Юртида ота-онаси болам ишлапти, деб ишониб юрса, у эса ғаразли тўдаларнинг қўғирчоғига айланиб, кимларнидир мақсадларини амалга ошириш жоҳилият ўлимида жон бераётган бўлади.

Баъзилар ўзи бузғунчиларга қўшилгани етмаганидек дўстларига ҳам турли тақиқланган маълумотларни тарқатиб, уларни ҳам жавобгар бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Бундай хавф-хатарлардан чет элга жўнатаётган фарзандларимизни қаттиқ огоҳлантиришимиз керак.

Лекин афсуски, кўпчилик юртдошларимиз бугунда уруш ҳаракатлари кетаётган юртларда мигрант сифатида ишламоқдалар. Уларни турли йўллар ва тарғиботлар билан урушга жалб қилиш ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Бундай урушларга қатнашиш жоиз эмаслиги ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази фатво эълон қилди. Чунки бу биринчидан жонни хатарга қўйиш ва номаълум байроқ остида уришиш бўлади. Бу ҳолатда ўлим топганлар жоҳилият ўлимини топган бўлади.

Жуда зарурат бўлмаса, ғайридин юртларга чиқиб кетиш шаръий нуқтаи назардан ҳам макруҳ саналади. Чунки чет элга кетиш мигрантнинг ўзи, унинг жуфти ва болаларига хулқ-атвор, дин-диёнат жиҳатидан ёмон таъсир қилмоқда.

Кейинги пайтларда юртдошларимиз ичида етказиб бериш хизматида ишлайдиганларини турли йўллар билан чув тушираётганларини эшитмоқдамиз. Яъни элтиб бераётган нарсаси нима эканини билмагани ҳолда уни ушлаб, ичидан таъқиқланган модда топиб уни қамаб қўйиш, кейин урушга таклиф қилиш ҳолатлари учрамоқда. Натижада бир ватандошимиз айбсиз айбдор бўлиб турли даражада жазо муддатини ўташга мажбур бўлмоқда. Шундай экан ватандошларимиз зарар кўрмаслик учун бундай хизматларга киришдан аввал расмий идоралар билан шартнома тузиш ва ўзининг хавфсизлигига кафолат яратишни ҳам ўйлашлари керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу борада шундай деганлар: **“Мўмин киши бир тешикдан икки марта чақилмайди”** (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Демак, бу нохуш ҳолат бошқаларнинг бошига тушдими биз ҳам хушёр тортишимиз, биродаримизни чаққан илонга ўзимизни чақтирмаслигимиз керак. Майли камроқ маблағ ишласак ҳам, қонуний ва хавфсизлик кафолатланган ишларни қилайлик. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Мўминнинг фаросатидан қўрқинглар, чунки у Аллоҳ таолонинг нури билан қарайди”** (Имом Термизий ривоятлари), деб мўмин кишининг фаросатли бўлиши ва кўр-кўрона ўзини ўтга чўкка урмаслиги, ишларни ҳикмат ва тадбир билан қилиши лозимлигига ишора қилганлар.

Агар вазият тақозо қилиб, баъзи давлатларда ишлаш хавфли бўлиб қолса, албатта, жонни хавфга қўйгандан кўра, ўз уйида соғ-саломат ўтириши

ва ўз юртида тирикчилик қилиши лозим бўлади. Чунки инсоннинг жони унинг энг қиммат ва Аллоҳ таоло унга омонат қилиб берган нарсадир. Оила боқувчиси бўлган кишидан унинг оиласи ва ота онаси умидвор, қариндошлари ундан хавотирда бўлади. Юқорида айтилгани каби уруш бўлаётган давлатларда ва хавфли касбларда ишлаш билан шунча одамни ғамташвишга қўймаслик керак. Ўз юртида тирикчилик қилиб турса ҳам мақсад ҳосил бўлади. Зеро меҳнатдан қочмайдиган кишига ҳар жойда иш топилади.

Аллоҳ таоло ҳаммамизнинг касбу коримизга барака ато айласин, тану-жонимизни саломат айласин, турли-туман бало офатлардан ва тухматлардан ўзи асрасин. Ҳамма юртдошларимиз ўз оиласи бағрига эсон омон етиб боришларини насиб айласин! Омин!

### **Ижтимоий тармоқларда бемазҳаблик фитнасидан огоҳ бўлинг!**

Мовароуннаҳр диёрлари, хусусан юртимизда ҳам минг йиллардан бери мусулмонлар ўз ибодатларини ҳанафий мазҳабига кўра адо қилиб келадилар. Ҳатто, Мовароуннаҳр диёрларидан Абу Ҳафс Кабир, Бурҳониддин Марғилоний, Алоуддин Косоний сингари ҳанафий мазҳаби йўналишида бутун дунёга устозлик қиладиган уламолар ҳам етишиб чиққан.

Афсуски, сўнги асрларда мусулмон жамиятида мазҳабсизлик муаммоси юзага келди. Қизиғи шундаки, неча минг йиллар давомида тўрт мазҳабдан бирига эргашган одамга ҳеч ким “нега сен Қуръон ва суннат турганда Шофеъий ёки Имом Моликка, ёхуд Абу Ҳанифага эргашяпсан”, деб айтмаган. Чунки аслида ҳам мазҳаб - Қуръон ва суннатни қўйиб фалончига эргашиб эмас, балки Қуръон ва суннатга амал қилишнинг айнаи ўзидир.

Мазҳаблар ва уларнинг шаклланиш тарихини чуқур, инсоф билан ўрганган киши мужтаҳид мазҳаббошилар Қуръон ва ҳадисдан алоҳида шариат яратмагани, балки ушбу икки муқаддас манба, ижмо ва қиёс асосида ҳукмларни чиқариб, одамларга осон бўлиши учун бир жойга жамлаганларини билади.

Бугунги кунда мазҳабни инкор қиляётганлар мужтаҳид олимлар қилган ишни қайтадан кўриб чиқмоқчи бўладилар. Яъни соддароқ айтсак, ўзларининг мазҳабларини тузмоқчи бўладилар. Фаразан улар ўтган мужтаҳидлардан билимдон бўлса, бир натижа чиқиши мумкин. Лекин афсуски, улар ўтган мужтаҳидларнинг мингдан бирича ҳам илм касб қилмаганлар. Илмсизлик билан ижтиҳод ишига киришган одамнинг ҳолига

вой. Ўзи ҳам адашади, ўзгани ҳам адаштиради. Ўзига эргашганларнинг гуноҳини ҳам зиммасига олади.

Бирор мазҳабга эргашган инсон барча амалларни шу мазҳабда белгиланган тартибга кўра бажариши шарт. Акс ҳолда, яъни ибодатларнинг баъзисида бир мазҳабга, баъзисида бошқа мазҳабга амал қилиш “Талфиқ” дейилади ва бу шаръан ҳаром ҳисобланади. Ваҳолангки тўрт мазҳаб фуқаҳолари талфиқдан қайтарганлар:

- Ҳанафийлардан шайх Ибн Обидин: “Муайян мазҳаб муфтийсининг ўз мазҳабида аниқ кўрсатилган масалада бошқа мазҳаб йўлини тутиши ва у бўйича фатво бериши мумкин эмас” дейдилар. (Баҳрур-роиқ»нинг ҳошиясида 6-жилд, 289-бет)

- Моликийлардан имом Нафровий: “Тўрт имомдан бирига эргашиш вожиблигига мусулмон ижмоси тузилгандир. Фақат ижтиҳод аҳллари бундан мустасно” деганлар (Фавоқеҳуд-девоний 2-жилд, 357-бет).

- Шофеъийлардан Жалолуддин Маҳаллий: “Энг саҳиҳ сўз шуки, омийлар модомики ижтиҳод мартабасида бўлмас экан, уларга муайян бир мазҳабга тақлид қилиш лозим бўлади. У хоҳ бошқа мазҳабни ўз мазҳаби билан тенг ва ё аржаҳ деб эътиқод қилсин, буни аҳамияти йўқ” (“Жамбул-жавомеъ”нинг шарҳи 2-жилд, 440-бет).

- Ҳанбалийлардан Мардовий: “Риоятул-кубро”да айтиладики, ҳар бир мукаллидга бирор муайян мазҳабга тақлид қилиши лозим бўлади. Ижтиҳод аҳли бундан мустасно. Аҳли сунна олимларидан “муайян мазҳабга тақлид лозим эмас” деганлар ҳам бор. Аммо улар бу сўзларида ижтиҳод шартини ҳам ўртага қўйишган” (ал-Инсоф 11-жилд, 194-бет).

Демак, Талфиқ – яқинда пайдо бўлган амал эмас, балки мазкур уламолар яшаб турган замонларда ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда бу “сохта салафийлар”нинг намозлари ва бошқа ибодатларида кўринмоқда. Улар ислом динининг ҳар бир замон ва ҳар бир маконга мослаша олишини тан олмайдилар. Ўн тўрт асрдан бери исломнинг етук алломалари, фақиҳу мужтаҳидлари қабул қилган фатволарга амал қилишга қарши чиқадиладар.

Мазҳабсизлик аслида салафи солиҳлар йўлидан юз ўгириш ҳисобланади. Унинг иллат эканини Рамазон Бутий, Зоҳид Кавсарий каби кўплаб уламолар ўз асарларида баён қилганлар. Жумладан, марҳум Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Мазҳаблар – бирлик рамзи”, “Мазҳабсизлик Ислом шариатида таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир” каби асарларидан ушбу мавзуда кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бемазҳаблик бу Ислом шариатига таҳдид солаётган энг хатарли бидъатдир. Бу бидъатдан огоҳ бўлишимиз, фарзандларимизни уларнинг таъсирига тушиб қолишидан асрашимиз керак. Шундай қилмасак мусулмонлар ичига саноксиз ихтилофларни соладилар, келишмовчиликлар чиқарадилар ва одамларни асосий мақсадлардан чалғиб кетишига сабаб бўладилар.

### **Инсонни ҳақоратлаш ва камситиш динимизда қораланган иллатдир!**

**Ҳурматли жамоат!** Кейинги пайтларда жамиятимизда, ижтимоий тармоқларда турли-туман ёлғон ахборот, асоссиз маълумотларни тарқатиш, турли уйдирмаларни урчитиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Баъзи инсонлар бировдан эшитган нарсасига дарҳол ишонади. Уни суриштириб кўришни, тўғри ёки нотўғрилигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Айниқса, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган ноҳолис ахборотлар, турли уйдирма ва бўҳтонлар, миш-мишлар ғийбатчиларнинг тегирмонига сув қуюётгани кундай равшан.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!”** (*Ҳужурот сураси, 6-оят*). Демак, мўмин-мусулмон киши бировдан бир ахборот ёки янгилик эшитса: “Фалончи нима дебди, писмадончи-чи?” деб, уни тарқатишга эмас, балки шу хабар ишончлими ёки йўқлигини суриштириши, бунинг учун ишончли манбаларга мурожаат қилиши зарур экан. Бўлмаса, кимгадир озор бериб, кейинчалик ўзи ҳам пушаймон бўлиб қолиши мумкин экан.

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дейдилар: **“Эшитган нарсасини гапиравериши кишининг гуноҳкор бўлишига кифоя”** (*Имом Муслим ривояти*).

Ҳар бир киши янги ахборот ёки маълумотга нафақат қизиқади, балки уни бошқаларга етказиш, атрофдагиларнинг фикрини билишга интилади. Лекин эшитган нарсасини суриштirmасдан гапиравериш, уни бировга етказиш гуноҳкор бўлиш учун етарлидир.

Қуръони каримда марҳамат қилинади: **“(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки кулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири**

тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)” (Исро сураси, 36-оят).

Жамиятда ғийбат, бўҳтон, ёлғончилик каби иллатларнинг илдиз отиши ишончсизлик, ҳатто адоват ва нафратни юзага келтириши мумкин. Тўғрилигига аниқ ишонмай туриб миш-миш тарқатиш бўҳтон саналади.

Динимиз бизни ёмон сўзлардан тийилиш, яхши гапларни сўзлашга буюради. Каломуллоҳда марҳамат қилинади: **“У бирор сўзни талаффуз қилса, албатта, унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (сўзни ёзиб олувчи фаришта) бордир”**.

Айрим соддадил кишилар ёлғон хабарларга ишониб, ғийбат ва бўҳтонга шерик бўлиб қолади. Ачинарлиси, тарқатилган ёлғон маълумотлар оқибатида инсонларнинг обрў ва шаъни топталмоқда, кимлардир бундан азият чекмоқда.

Шариатимизда бир мусулмоннинг шаъни ва обрўсини тўқиш – худди конини тўқиш ёки молини ўзлаштириш билан баробар саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жаброил алайҳиссалом мени осмонга олиб чиққанда бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, у билан юзлари ва кўксиларини тимдалашар эди”**, дедилар. Мен: “Эй Жаброил, булар кимлар?” – деб сўрадим. У зот: **“Улар одамларнинг гўштини еб (яъни уларни ғийбат қилиб), обрўларини тўккан кимсалардир”**, – деб жавоб бердилар (Имом Абу Довуд ривояти). Ушбу ҳадисдан динимизда инсон шаъни, обрўси қанчалик қадрли экани, уни поймол қилишнинг оқибати аянчли экани маълум бўлади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом муборак ҳадиси шарифларидан бирида шундай деганлар: **“Жаброил (алайҳиссалом) мени осмонга олиб чиққанда бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, у билан юзлари ва кўксиларини тимдашар эди. Мен: “Эй Жаброил, булар кимлар?” – деб сўрадим. Шунда: “Улар одамларнинг гўштини еб (яъни уларни ғийбат қилиб), обрўларини тўккан кимсалардир”, – деб жавоб берди”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Ушбу ҳадисдан динимизда инсоннинг шаъни, обрўси қанчалик қадрли эканлиги, уни поймол қилишнинг оқибати аянчли экани маълум бўлмоқда. Ҳар биримиз сўзлаш ва тафаккур қилишда эҳтиёт бўлайлик, асоссиз хабарларга ишонмайлик, бировнинг айбини ошкор қилишга шошилмайлик. Зеро, ҳар бир сўз ва амалимиз фойда ёки зараримизга ҳужжат бўлишини унутмайлик.

## Оилавий ажримлар – жамият заволи

Оилавий ҳаёт кечириш динимиз кўрсатмаларига мувофиқ бўлса, у ҳақиқатда мустаҳкам ва бардавом бўлади. Бугунги кунда жума марузалари, давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари ва турли тадбирларда оиланинг муқаддаслиги, уни асраб авайлаш зурурлиги, эр-хотиннинг ўзаро ҳақ-ҳуқуқлари каби оилага боғлиқ масалалар ҳақида суҳбатлар олиб борилмоқда. Лекин минг афсуски, жамиятда оилавий ажримлар тез-тез учраб турибди. Бу ажримларнинг ўзига яраша сабаблари мавжуд бўлиб, қуйида улардан баъзиларини келтирамиз:

➤ **Эр-хотин ўзаро бир-бирларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасликлари.** Ҳозирги кунда эр-хотин ҳақ-ҳуқуқлари борасида ёзилган адабиётлар кўп бўлиб, улардан албатта оила қуриш арафасидаги ёшлар фойдаланиши зарурдир. Демак, ҳар бир ота-она тўйдан олдин фарзандларининг фақат моддий жиҳатларига эмас, балки маънавий дунёси, диёнати, тарбияси ва одоб-ахлоқига кўпроқ эътибор бериши лозим ва лобуддир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам машҳур ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар: **“Ота ўз фарзандига яхши одобдан кўра афзалроқ нарса ҳадя қила олмайди”** (Имом Термизий ривоятлари).

Шундай экан, ҳар бир ота-она никоҳдан олдин фарзандига оила муқаддаслиги, ҳаёт қийинчиликларига бардошли бўлиш кераклиги, оила аъзолари бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, қайнона ва қайноталарнинг хизматларини қилиб, дуоларини олиш улкан савоб эканлиги каби насиҳатларни қилишлари зарурдир.

➤ **Эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларида сабр-тоқат ва ўзаро бағрикенгликнинг етишмаслиги** оиланинг бузилиш сабабларидан биридир. Ҳаёт жуда мураккаб жараён бўлиб, унда турли ҳолатлар учраб туради. Гоҳи шодлик, гоҳи ғам деганларидай оилада эр ва хотин ўртасида ҳам турли сабаблар ила келишмовчиликлар бўлиб туради. Шошқалоқлик, жаҳлнинг тез чиқиши, қаноатсизлик, манманлик, тирноқ остидан кир қидириш оилавий муносабатларга путур етказди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, эр хотинининг бир ёмон хулқидан норози бўлса, унинг бошқа яхши томонлари ҳам бор эканлигини унутмасин. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган: **“Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”** (Нисо сураси, 19-оят).

Бу борада Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: ***“Мўмин эр мўмина хотиндан нафратланмасин, агар унинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқа хулқи туфайли ундан рози бўлиб кетаверади”*** (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, эр хотинининг айрим феълидан ғазабланса, оилани бузишга шошилмаслиги, балки унинг яхши одатларини ҳам кўз олдига келтириб, шу билан кўнглини тўқ қилиб юриши керак экан. Ҳозирги ёшларда сабр, қаноат, бағрикенглик, муроса каби фазилатлар камайиб кетаётгандай. Ҳозирги баъзи ёшларга оила курси, тез фурсатда уй-жойли бўлса, машина олсада дарров алоҳида уйли бўлиб, чиқиб кетса. Оила аъзоларига ҳурмат, қайнота-қайнонанинг дуоларини олиш деган нарсаларга эътибор камайиб кетаётгандай, гўё.

➤ **Эр-хотин ҳаётига ота-оналарнинг ноўрин аралашuvi.** Мана шу нарса ҳозирги кундаги ёш оилаларнинг бузилишига энг катта сабаблардан бири бўлмоқда. Ёш оилалардан кўпинча “мен аёлим билан яхши муносабатдаман, лекин ота-онам келин билан муроса қилолмаяпти”, – деган гапларни эшитамиз. Ҳатто, фарзандига: “Келинга жавобини бермасанг сени оқ қиламиз”, – деб айтаётган ота-оналар ҳам бор. Минг афсуслар бўлсинки, талоқнинг келиб чиқишига кўп ҳолларда талоқнинг олдини олиши керак бўлган шахслар – ота-оналар сабабчи бўлиб қолишмоқда. Шунини яхши билиш лозимки, ота-она фарзандини аёлига талоғини беришга мажбурлашга ҳаққи йўқ. Аксинча, ёши катталар ёшларни сабр ва шукрга чақириб, оилани сақлаб қолишга тарғиб қилишлари керак. Ҳар бир мусулмон фарзанд ота-онасини рози қилиш учун кўлидан келган барча яхшиликларини қилиши шарт. Аммо ота-онаси хоҳламай қолган, лекин рисоладагидек аёлни талоғини бериш мумкин эмас. Балки уларнинг ўртасини ислоҳ қилиб, адолат билан иш тутиб, оиласини сақлаб қолиш аини муддаодир. Чунки, Аллоҳ таоло чин мўмин-мусулмонларни Қуръони каримда шундай таърифлаган: ***“Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз”*** (Ҳужурот сураси, 10-оят).

➤ **Телефон ва интернетдаги “ҳаёсизликлар”** оилани барбод бўлишида асосий сабаблардан яна биридир. Маълумки, телефон ва интернет олами Аллоҳнинг бандаларига ато этган неъматларидан биридир. Узоқдаги яқинлар билан алоқа, катта ҳажмдаги кутубхона ҳамда иш фаолиятдаги қулайликлар ва ҳоказо. Бироқ, бу неъматни кимлардир фитна, бузғунчилик, бузуқлик, ҳаёсизлик манбаларига айлантириб улгурдилар. Номаҳрам инсон билан ушбу алоқа воситалари орқали суҳбатлашувлар натижасида аксар

оилалар бузилмоқда. Аллоҳ таоло бундай ҳолатдан қайтариб, шундай деган: “(Эй, Муҳаммад!) Мўминларга айтинг, кўзларини (номахрам аёллардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўл)дир. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган (сир) синоатларидан хабардордир” (Нур сураси, 30-оят).

➤ **Оилалар пароканда бўлишига жиддий сабаблардан яна бири бу – молпараастликдир.** Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қиладилар: ***“Ҳар бир умматнинг фитнаси (синови) бор. Умматимнинг фитнаси молу дунёдир”***. Ҳадисга эътибор беринг. Молу-дунё бизга берилган синов экан. Мана шу синовда келажагимиз бўлган ёшларнинг ҳаётини барбод қилиш, уларни бебахт қилиш яхшимикан? Арзимаган матоларни деб фарзандларини бахтсиз қилиб қўяётган ота-оналар афсуски, кун сайин кўпайиб бормоқда. Аслида бахту-саодат, оилавий фароғат дегани фақат молу-дунё билан ўлчанмайди. Иқтисодий имконият кенг бўлгани билан маънавий жиҳатдан инсон қашшоқ бўлиши – бахтсизликдир.

Шундай экан, ҳар бир янги қурилаётган оилаларни тинч, бахтли-саодатли яшаб кетишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

### **Миссионерлик иллоти**

Юртимизда турли динларга эътиқод қилувчилар ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Энг мураккаб ва оғир шароитларда ҳам диёримизда диний ёки этник низо сабабидан можаро чиқмаган. Бу ҳол, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “... диний маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир”.

Афсуски, бундай тотувликни кўра олмаётган, динлараро турли низолар чиқаришга ҳаракат қилаётган гуруҳлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири кейинги вақтларда кўп тилга олинаётган миссионерлардир.

Миссионерлик, умумий маънода, бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа динни тарғиб қилишни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳамма учун виждон эркинлиги” кафолатланиб, “диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмас”лиги қайд этилган (31-модда). Бу эса миссионерлик ва прозелетизм ҳаракатлари Конституциямизга бутунлай зид эканини кўрсатади.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунда эса: “Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган

хатти-ҳаракатлар (прозелетизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилиши” таъкидланиб, “ушбу қонданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилиши”, белгилаб қўйилган (5-модда). Демак, қонунга кўра миссионерлик – жиноят!

Шунга қарамай, юртимизда айти шундай жиноят-миссионерликка қўл ураётган кимсалар йўқ эмас. Таъкидлаш керак, миссионерларнинг гайриқонуний ҳаракатларига Рус православ дини вакиллари ҳам эътироз билдиришмоқда.

Христианликда миссионерлик VI асрда пайдо бўлган. Улар гўёки маърифат тарқатадилар, тиббий ёрдам кўрсатадилар, аммо моддий босқинчилик сиёсати бўлган асосий мақсадларини яширадилар.

Масалан, христианлик доирасида вужудга келган турли оқимларга даъват қилиш вазифасини ўз зиммасига олган миссионерлар ўзларининг хушмуомалалиги, ёрқин ва таъсирчан ваъзлари орқали юқоридаги каби кишиларни чалғитадилар. Ўз “ўлжа”ларининг қизиқишлари ва заиф томонларини ҳисобга олиб, улар билан дўстона муносабатга кириб олишади ва охир-оқибат уларни таклиф этилаётган динни қабул қилишга даъват этадилар. Бунинг оқибатида ота-боболари исломдан бошқа динни билмаган бир оила вакили ёки вакиласи бошқа динни қабул қилади. Жамиятнинг илк ва энг муҳим бўлаги бўлмиш оила жанжал ва низолар домига тортилади. Ота-она, қавму қариндошлар унинг бу қилмиши оқибатида маҳалла-куйда бош кўтара олмай қолади. Оила маҳалладан ва ўз яқинларидан узулиб қолади.

Миссионерлар уларни бундай муаммоларга учрашлари ҳақида олдиндан огоҳлантириб, бунинг эвазига бу дунёда моддий-маънавий кўмакни, охиратда эса абадий роҳатни ваъда қилишади. Динини ўзгартирганлар қарздор бўлиб қолмайдилар. Онглари етарлича эгаллаб олганларидан сўнг миссионерлар уларга черковга хайр-эҳсон қилишни таклиф қилишади. Миссионерлик жамоасининг ҳар бир аъзоси ўз даромадларининг ўндан бир қисмини черков ҳисобига ўтказиши шарт. Оила аъзоларидан бири янги конфессияга аъзо бўлгач, уйдаги жиҳозларни сотиб черков ҳисобига ўтказгани, ҳатто хайр-эҳсон учун уйдаги пулларни ўғирлашгача ҳам борганини исботловчи ҳаётий мисоллар жуда кўп.

Миссионерлик фаолиятининг салбий томонларидан яна бири шундаки, баъзи жамоаларда, масалан, аъзолар ҳарбий хизматга боришлари таъқиқланади. Бундай ғоявий тарғиботда тўғридан-тўғри Ватандан

бегоналашишга, унинг тақдирига нисбатан бефарқлик ва лоқайдлик кайфиятининг шаклланишига йўл очади.

Ҳар бир инсоннинг бошида ўлим бор. Бошқа динни қабул қилган киши вафот этгач нима бўлишини тасаввур қилиш жуда ҳам мушкул. Ким уни дафн қилади, қандай ва қаерга дафн қилиш керак деган муаммолар юзага келади. Албатта, мусулмон ота-она ўз фарзандини бекафан, бежаноза кўмишни истамайди. Маҳалла-куй эса, ғайридиннинг таъзиясига ҳам бормайди, майитни қайси мазорга қўйиш муаммоси пайдо бўлади. Бу қандоқ оғир оқибатларга олиб келиши ўз-ўзидан аён. Энг ёмони мусулмон фарзанди бўлиб туғилган одам мусулмон диёрда имонсиз, кафансиз ва жанозасиз кўмилишига тўғри келади.

Ўзбеклар бағрикенг халқ, бошқа дин вакиллари хурмат қилиб, ғайридин кўшнилари билан яхши алоқа қилади. Буни ўзининг юксак инсонийлик бурчи, деб билади. Фақат ўз фарзандининг ғаразли кимсалар томонидан эътиқоди ўзгартирилишига бефарқ қараб тура олмайди.

Кўпгина миссионерлар Ислонни жуда яхши билишади ва ўз ғояларининг ҳақлигига Қуръон ва ҳадислардан далиллар келтиришга уринишади. Шундай пайтларди диний саводи паст бўлган одам уларнинг гапларини тасдиқлаб, миссионерларга хайрихоҳ бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, одамларга миссионерлик, уларнинг мақсадлари ва зарари ҳақидаги тушунтириш ишларида янада фаол бўлмоғимиз лозим.

Миссионерлар фаолияти бўйича нафақат мусулмонлар, балки эътиқод қилувчиларнинг кўпчилиги бўйича Ўзбекистонда иккинчи ўринда турадиган православ оқими вакиллари ҳам кўплаб шикоятлар тушмоқда. Православ руҳонийлари, уларнинг таъбири билан айтганда, бундай “сектантлар”га қарши курашиш лозимлигини таъкидламоқдалар.

### **Ёшлар ўртасида гиёҳванд ва психотроп моддалар тарқалишидан огоҳ бўлинг!**

**Ҳурматли жамоат!** Бугунги кунда жамиятимизда катта муаммо бўлиб турган гиёҳвандлик масаласи борки, бунга тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Эътибор берган бўлсангиз бу мавзуда аввал ҳам гапиргандик. Чунки ҳамма даврларда ҳам ёшлар тарбияси муҳим бўлиб келган. Ёшларини қўлдан берган халқ келажагини йўқотади. Агар бепарво бўлиб, гиёҳвандлик иллоти билан қаттиқ кураш олиб бормасак, аҳволимиз ёмон бўлади. Аслида, мана шу

сарфлаган вақтимизда динимизнинг асоси бўлган эътиқод, ибодат ва руҳий тарбия мавзуларда суҳбатлашишимиз мумкин эди, афсуски мавзу ниҳоятда муҳимлигидан қайта-қайта гапиришга мажбур бўлмоқдамиз. Биз оталар эса мусулмончилик даъвосини қиламиз, лекин гоҳида фарзандларимиз тарбиясига эътиборсиз бўлганимиздан улар беҳуда ишлар билан банд бўлиб юришибди. Ваҳоланки бизнинг мусулмонлик бурчларимиздан бири ёмон ишни кўрганда уни ё қўли, ё тили билан ўзгартириш, ё дили билан ёмон кўришдир!

Ҳозирда айрим ўқувчи ёшлар орасида гиёҳванд моддалардан ташқари “Трамадол”, “Лирика”, “Регален”, “Селлофен”, “Тропикамид” каби психотроп дори воситалари истеъмолига ўрганиш ҳолатлари учрамоқда. Бу дори воситаларида ҳам маст қилиш ва ўргатиб қўйиш хусусияти бор. Кўча-куйда бундай дориларни истеъмол қилаётганларни кўриб кўрмасликка олиш, менинг фарзандим бу дориларни истеъмол қилмайди, деб хотиржамликка берилиш асло тўғри эмас. Чунки гиёҳвандлик балоси кенг тарқалса, ҳеч ким фарзандидан хотиржам бўла олмайди. Бу иллатларга амру маъруф наҳий-мункар ёрдамида қарши турайлик. Бу ишларни ислоҳ қилишни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириб қўйиб, ўзимизни четга олишимиз лоқайдликдир. Кўриб турганимиздек жамиятдаги иллатларга бепарво бўлиш ҳам гуноҳкорликка сабаб бўлади.

Маст қилувчи ичимликларнинг ҳукми, зарарлари, оқибатлари ҳақидаги барча оят ва ҳадислар ҳам гиёҳванд моддаларга тегишлидир. Гиёҳвандлик кишини секин секин (гоҳида эса тезда) ўлимга олиб келади. Бу нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади. Бу эса катта гуноҳдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай буюрган: **“Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг”** (Нисо сураси, 29-оят).

Яна бир ёмон жиҳати шуки, гиёҳвандлик сабабли келажак авлодлар ичида ақлий ва жисмоний ногирон болалар кўпаяди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган илмий, исботланган ҳақиқатдир.

Шуни ёдда тутиш лозимки, гиёҳванд модда савдосига аралашган кимсалар, жумладан юқорида саналган дориларни шифо учун эмас, балки кайф қилиш учун сотиб олишгаётганини била туриб ёшларга сотаётган баъзи дорихоначилар ҳаром мол топаётган ва Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиққан ҳисобланади! Ҳаромдан топиб ўзи ва фарзандларига ҳаром едираётганлар, минглаб ёшларнинг гиёҳвандлик гирдобига ботишига сабаб бўлаётганлар ўзлари ўзгаларнинг гуноҳларига шерикдирлар. Улар оз муддатда ўтайдиган дунёдан кўра абадий охираатдаги ҳисоблари ҳақида ўйлашмайдими?! Қуръон каримда охираат азоби қаттиқ эканидан огоҳлантириб айтилади: **“Ҳаддан**

**ошган ва Парвардигорининг оятларига имон келтирмаганларни мана шундай жазолагаймиз. Охират азоби эса, шубҳасиз, қаттиқроқ ва боқийроқдир”** (Тоҳа сураси, 127-оят).

Ёшлик даври айни тарбия пайтидир. Шу даврда уларни эътиборсиз ташлаб қўймаслигимиз керак. Уларни халқига, динига фойдали билимли-маърифатли, қўлидан иш келадиган касб-кор эгаси қилиш бурчимиздир. Айниқса, болаларни, кейинги пайтда унутилаётган китобхонликка ўргатиш, яхши кишилар билан дўстлашишга кўмаклашиш муҳим. Пайғамбаримиз алайҳисалом киши дўстининг дин-диёнатига мослашиб кетиши ҳақида огоҳлантирганлар. Ёмон кишилар билан дўстлашишнинг оқибати ҳам ёмондир.

Хулоса шуки, ёшларнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси, илм-маърифати билан ҳар бир ота-она ва масъуллар шуғулланса, келажакда бизнинг фарзандларимиздан ҳам буюк олиму алломалар чиқади, иншааллоҳ.

### **Мазҳабсизлик хатари**

Маълумки, юртимизда азалдан тўлиқ Ҳанафий мазҳаби амалда бўлиб келган. Ҳозирда ҳам юртимиздаги деярли барча аҳли илмлар, устозлар ва масжид имомлари Ҳанафий мазҳабида таълим олиб, шу мазҳаб асосида фаолият олиб бормоқдалар.

Мазҳабларга эргашиш – шарият кўрсатмасига эргашишдир! Уни инкор қилиш эса шаръий кўрсатмаларга ва бутун Ислом уламоларига қарши чиқиш ҳисобланади. Зеро, Ислом тарихида мужтаҳид зотлардан бошқа барча уламолар тўрт мўътабар мазҳабнинг бирига амал қилишган. Бугунги даврда, баъзилар томонидан мазҳабларни инкор қилиш фақат мусулмонларнинг бирдамлигига футур етказиш ва бефойда ишдир.

Мингдан ортиқ китоб таълиф қилган ҳанафий мазҳабининг буюк олимларидан бири Ашраф Али Таҳонавий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: *“Мен йигирма беш йиллик илмий тажрибам асосида шуни билдимки, ҳозирги даврда бирор мазҳабни тутмаслик охир-оқибат динсизликка олиб борар экан”* (“Малфузот” китоби).

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, бизнинг Ўзбекистонимизда фақатгина Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳабига амал қилиш лозим экани маълум бўлмоқда. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бир неча асрлардан бери ота-боболаримиз мазкур мазҳабга оғишмай-тойилмай амал қилиб келмоқдалар.

Афсуслар бўлсинки, мана шундай бутун уммат эътироф қилиб турган мазҳабдан баъзи юртдошларимиз юз ўгириб, ўзларича бир нечта ҳадисни маъносини билиб олиб: “Мен ўзим Қуръон ва ҳадисдан ҳукм оламан, мен мазҳабга эргашмайман, мен ҳадисга амал қиламан”, – деб, катта даъво ва хато қилмоқдалар. Билмайдиларки, ҳадис илмининг султонлари бўлган ва минглаб ҳадисларни ўрганиб, уларни жамлаб, ҳадис китобларини ёзган буюк муҳаддислар ҳам мазҳабда юрганлар. Хатоларининг асосий сабаби – улар мазҳаб ўзи нима, мазҳаб асосчилари қанақа мартабадаги зотлар эканини билмасликларидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, мусулмонларнинг бирлиги, ибодатларнинг мукамаллиги, жамиятнинг тинчлиги учун юртимиз мусулмонлари минг йиллардан бери амал қилиб келган Имом Абзам раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳабларига ихлос ила эргашिशлари ўта муҳим ва зарурдир!

Аллоҳ таоло мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифадан Ўзи рози бўлсин! У зот қолдирган илмий меросдан тўлиқ фойдаланишга барчамизни муваффақ айласин! Омин!

### **Фирибгарлар фитнасидан огоҳ бўлинг!**

**Мухтарам жамоат!** Маълумки, Исломда алдов, фирибгарлик, бировни чув тушуриш орқали ўзганинг молини қўлга киритиш – шаръан ҳаром амал саналади. Сир эмаски, кейинги вақтларда фуқароларимиз томонидан уяли телефон аппаратига СМС орқали келган “**махсус код**” рақамларини **ошкора этилиши** оқибатида банк пластик карталаридан пул маблағлари талон-торож қилиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Шунингдек, фирибгарлар томонидан пул маблағларини йиғишда қуйидаги усуллар фойдаланилмоқда: ижтимоий тармоқларда сохта биржалар, молиявий пирамида фаолияти, “сотувчи” ёки “харидор” қиёфасида алоқага чиқиш, ўзини банк ёки мобил тўлов тизими ходими деб таништириб, банк пластик картасига хакерлар томонидан киберҳужум уюштираётганлиги ҳақида **ёлғон** маълумотлар айтиш орқали “махсус код” рақамини билиб олиш, моддий ёрдам, ютуқли ўйин ғолиби каби алдовлар билан сохта ҳаволалар юбориш, умра сафари учун тўшлаган пулларни тасдиқловчи кодни қўлга киритишга уриниш.

Бундан ташқари, давлат томонидан моддий ёрдам пули берилаётгани ҳақида”ги **ёлғон (фейк)** хабарлар “**Телеграм**”, “**Инстаграм**” ва “**Фейсбук**” ижтимоий тармоқларидаги давлат идораларининг **сохталаштирилган сайт**

ҳавола(ссылка)ларида ёритиш орқали содда одамларни ҳув тушириш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Мўмин киши ҳар ишда хушёр ва зийрак бўлиши лозим. Ҳар қандай асоссиз маълумотларга алданиб қолавермаслик керак. Зеро, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

لَا يُلْدَغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرِ مَرَّتَيْنِ (رواه الشيخان)

яъни, **“Мўмин киши бир тешикдан икки марта чақилмайди”** (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан мўмин-мусулмон одам ўз ишини пухта бажариши, алданиб қолишга йўл қўймаслигини тушунамиз. Бир ишни охирини ўйламай кўр-кўрона таваккал қилиш шариатимиз кўрсатмасига мувофиқ эмас. Бошқа ҳадиси шарифда Расули акрам алайҳиссалом: **“Исломда зарар кўриш ҳам, бировга зарар етказиш ҳам йўқ”** деганлар.

Қолаверса, ушбу фирибгарлик билан шуғулланаётган кимсалар агар қилаётган ишларидан тийилмасалар ва тавба қилмасалар бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам Алоҳ таолонинг жазосига гирифтор бўладилар. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

وَمَنْ أَخَذَ يُرِيدُ إِتْلَافَهَا أَتْلَفَهُ اللَّهُ (رواه الامام البخاري)

**“... Ким одамларнинг молига талофат етказиш (ҳув тушуриш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талофат етказди”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ таоло барчамзни турли ёмонликлардан узоқ қилиб, оқибатимизни хайрли қилсин! Омин!

### **Имконияти чекланган кишиларга ғамхурлик – улкан савоб!**

**Ҳурматли жамоа!** Рамазон ойи кўп хайру эҳсон қилиш, кўнгилларни овлаш, аразлашганларни яраштиришга қулай фурсатдир.

Рамазон ойида ҳар бир киши қалбини поклаши, ўзаро хусумат ва гиналарни йўқотиш, кўни-кўшнилари ва қавму қариндошлари орасида ёрдамга мухтожларга мурувват кўрсатиш, қариндошларга силаи раҳм қилиш, беморларни зиёрат қилиш, етимлар бошини силаш, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларни (ногиронларни) ҳолидан хабар олиш каби савобли ишларга шошилиши ва бировнинг дилига озор етказиш, ҳаққига тажовуз қилиш каби барча гуноҳ ишлардан ўзини тийиши лозим бўлади.

Ифторликлар ҳам ижтимоий алоқаларни кучайтиришда, мусулмонларнинг ўзаро бир-бирлари билан борди-келди қилишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис динимизда бу ишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"مَنْ فَطَّرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَنْقُصُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ شَيْئًا" (رواه الإمام الترمذي)

яъни: ***“Ким бир рўзадорни ифторлантиса, унга ўшанинг ажрича ажр берилади, лекин рўзадорнинг ажридан бирор нарса камаймайди”*** (Имом Термизий ривоятлари).

Фақат ифторлик дастурхонларини дабдаба ва кимўзарга айлантириб юбормаслик керак. Чунки риё аралашган жойда амалнинг савоби кетиб, гуноҳга айланиб қолади. Шунинг учун ифторликларни мўътадил қилиш ва кўпроқ эътиборни иқтисодий қийналган оилаларга қаратиш керак. Ифторга кела олмайдиган, уйда ўтириб қолган қариялар, ногиронлар ва бева бечораларни ҳам таом ва озиқ овқатлар билан йўқлаб туриш айна муддао бўлади.

Рамазон истиғфор ойидир. Шу сабабли бу ойда ўтган гуноҳларга тавба қилиш, бундан кейин солиҳ амаллар қилиш, ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиш, юрт равнақи, одамлар манфаати учун режалар тузиш лозим. Бу ойда ҳосил қилган маънавий озуқа бизга йил давомида яхши таъсирини ўтказиши керак. Рамазонда бизда аввал бўлмаган яхши хулқларни ўрганайлик, ўзлаштирайлик. Рамазонда фаришталар рўзадорлар учун Аллоҳдан мағфират талаб қилишади. Бундай пайтда биз ҳам истиғфорда ва тавба тазарруда бўлишимиз жуда мувофиқ келади. Бу ҳақда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"أُعْطِيَتْ أُمَّتِي حَمْسَ خِصَالٍ فِي رَمَضَانَ لَمْ تُعْطَهُنَّ أُمَّةٌ مِنَ الْأُمَمِ قَبْلَهَا؛ خُلُوفُ فَمِ الصَّائِمِ أَطِيبٌ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ، وَتَسْتَغْفِرُ لَهُمُ الْمَلَائِكَةُ حَتَّى يُفْطَرُوا، وَيَزِيْنُ اللَّهُ كُلَّ يَوْمٍ جَنَّتَهُ وَيَقُولُ: يَوْشَكَ عَبْدِي الصَّاحِحُونَ أَنْ يُلْقُوا عَنْهُمْ الْمُؤْنَةَ وَالْأَذَى وَيَصِيرُوا إِلَيْكَ، وَتُصَفَّدُ فِيهِ مَرَدَّةُ الشَّيَاطِينِ فَلَا يَخْلُصُونَ إِلَّا مَا كَانُوا يَخْلُصُونَ إِلَيْهِ فِي غَيْرِهِ، وَيُغْفَرُ لَهُمْ فِي آخِرِ لَيْلَةٍ،" (رواه الإمام أحمد عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: ***“Умматимга Рамазонда беш хислат берилди, улар олдинги бирор умматга берилмаган: рўзадорнинг оғзини ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкдан хушбўйдир; уларга фаришталар мағфират талаб қилишади; Аллоҳ ҳар куни жаннатни безаб, солиҳ бандаларим устиларидан меҳнат ва азиятлар улоқтирилиб, сенинг олдингга келишларига оз қолди, дейди; унда бебош шайтонлар кишанланади, натижада улар ундан бошқа***

**пайтларда эришадиган нарсаларига эриша олмай қолишади; охирги кечада рўзадорлар магфират қилинади”** (Имом Аҳмад ривояти).

Демак, юқоридаги маълумотлардан маълум бўлдики, фазилатли бир ойда турибмиз. Буни яхши англаб, қадрига етишимиз, эзгулик тўла режалар тузишимиз даркор бўлади. Бу ойни чиройли ўтказишга ғайрат билан киришиб, токи охиригача шундай давом этиш керак. Чунки рамазоннинг охирги ўн кунлиги ҳам алоҳида фазилатга эга.

Аллоҳ таоло барчамизга Рамазон ойини офиятда, гўзал кўринишда ўтказишни насиб айласин! Рамазоннинг охиригача ғайрат-шижоат билан ибодат ва хайру эҳсон қилишни муяссар қилсин! Омин!

### **Сайлов ва референдумларда иштирок этиш**

**Азизлар!** Инсон қўли билан ёзилган ҳар қандай қонун вақт ўтиши билан таҳрирга эҳтиёж сезади. Лекин Аллоҳнинг сўзи Қуръони карим, Расул алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифлар ва улардан келиб чиққан диннинг асл қоидалари Қиёматга қадар ўзгаришсиз қолади.

Ўзбекистон Қомусининг ҳам қабул қилинганига 30 йилдан ортиқ муддат ўтди. Аҳоли манфаатлари ва ахлоқи ўзгариб боришига мутаносиб равишда қонунларни ҳам ўзгартириш даври келди. Муҳими, ушбу ўзгаришларда мусулмон инсон ўз муносабатини билдириши, унга нисбатан **бепарво бўлмаслиги лозим.**

Фатво ва тадқиқотлар бўйича Европа кенгаши айнан сайловга доир масалада шундай **фатво** эълон қилган: “...Мусулмонларнинг сайловларда иштирок этиши – фуқаролик ҳуқуқларидир. Бундан ташқари **жамият учун яхшиликни жалб этиши ва зарарни даф этиши** бўйича ҳамкорлик қилиши ҳам уларнинг диний мажбуриятларидир. Аллоҳ таоло айтади: “(Эй мўминлар), **сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!**” (Моида сураси 2-оят).

Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг сайлов ва референдумларда иштирок этиши мумкин ва бунда шариат жиҳатидан ҳеч қандай таъқиқ йўқ, деб айта оламиз....”.

Ислом фақат ибодат эмас, балки мусулмонларнинг ҳаёт тарзи ҳамдир. Мусулмонлар ҳаётнинг барча соҳаларида олдинги сафларда бўлишга ҳаракат қилишлари лозим.

Бунинг учун, давлат ва жамиятни тараққиётга етаклаб бора оладиган, одамларни, шу жумладан, мусулмонлар ҳаётини яхши томонга ўзгатира оладиган **адолатли қонунлар** ўта муҳим масаладир.

Ҳақ таоло азиз Ватанимиз тараққиёти, фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларимизга ривож берсин!

Юртимизни самовий ва арозий офатлардан Ўзи сақласин!

Ийд ал фитр айёми яна бир бора ҳаммамизга муборак бўлсин!

### **Мусулмон киши ҳаётнинг барча соҳасида илғор бўлиши керак!**

**Мухтарам жамоат!** Ислом фақат ибодат эмас, балки мусулмонларнинг ҳаёт тарзи ҳамдир. Мусулмонлар ҳаётнинг барча соҳаларида олдинги сафларда бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун, давлат ва жамиятни тараққиётга етаклаб бора оладиган, одамларни, шу жумладан мусулмонларни ҳаётини яхши томонга ўзгатира оладиган одил қонунлар ўта муҳим масаладир.

Таъкидлаш жоизки, айрим кишилар бу ишларга бепарво бўлса, бошқалари бу иш ўзи жоизми, деган саволни ўртага ташламоқда. Мусулмон киши жамият ишларида фаол бўлиши, яхшилик борасида барча билан ҳамкор бўлиши лозим. Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўмин-мусулмонларни мақтаб: **“Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур”**, - дея марҳамат қилган (*Шўро сураси, 38-оят*). Ислом уламолари сайлаш, сайланиш ҳамда халқнинг келажаги билан боғлиқ муҳим масалаларга овоз бериш фаолияти шариатга мувофиқ амал эканига ушбу ояти карима далил эканини қайд этадилар. Яъни, дунёвий масалаларда мусулмонларга ўзаро маслаҳат қилиш буюрилган. Сайлов ва овоз бериш эса айнан мана шу маслаҳатнинг бир шакли ҳисобланади.

**Фатво ва тадқиқотлар бўйича Европа кенгаши** айнан сайловга доир масалада шундай фатво эълон қилган: *“...Мусулмонларнинг сайловларда иштирок этиши – фуқаролик ҳуқуқларидир. Бундан ташқари жамият учун яхшиликни жалб этиши ва зарарни даф этиши бўйича ҳамкорлик қилиши ҳам уларнинг диний мажбуриятларидир. Аллоҳ таоло айтади: “(Эй мўминлар), сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!”* (*Моид сураси 2-оят*).

Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг сайлов ва референдумларда иштирок этиши мумкин ва бунда шариат жиҳатидан ҳеч қандай таъқиқ йўқ, деб айта оламиз. Айни вақтда сайловда овоз бериш – мусулмонларнинг номзодлар билан

*ўзаро манфаат асосидаги ҳамкорлигининг бир тури ҳамдир. Улар галаба қозонган тақдирда жамият учун амматан ва мусулмонлар учун хоссатан фойда келтиради...”.*

Қолаверса, Ислом динининг туб моҳияти – инсон манфаатларини муҳофаза қилишдир. Уламолар таъбири билан айтганда, Ислом бандалар ва юрт учун яхшиликларни рўёбга чиқаришни мақсад қилгандир. Ушбу мақсад йўлидаги битим, келишув ва ҳаракатлар Ислом нуқтаи назарида энг савобли амаллардан ва бажарилиши лозим бўлган ишлардан саналади. Шу боис, бу жабҳада мусулмон киши фаол бўлиши даркор.

Ҳақ таоло барчамизни мустақил Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларимизга ривож берсин! Олдимизда турган ушбу муҳим тадбирларни тинчлик офиятда, саломатликда ўтказиб олишимизни муваффақ айласин! Омин!

### **Фитналардан огоҳ бўлинг!**

**Муҳтарам азизлар!** Шу ўринда таъкидлаш лозимки, зулмнинг энг катта кўринишларидан бири бу Ватан ва жамият ривожига раҳна солувчи турли фитналарни қўзғаш ёки бир неча асрлардан бери битта мазҳаб ва ақийдада собит туриб келаётган мўмин-мусулмонлар орасида турли ихтилофларни келтириб чиқариб, уларни парчалашга уриниш ва бугунги кунда барча соҳаларда, хусусан диний соҳада амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватлаш ўрнига аксинча уларга қарши чиқиб, адоват ва маъсият қўзғашга уринишлар бўлиб, бу борада Аллоҳ таоло Ўз каломида шундай марҳамат қилади:

وَالْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ

яъни: **“Фитна қотилликдан ҳам қўра қаттиқроқ (гуноҳдир) (Бақара сураси, 191-оят).**

Шунингдек, Моида сурасида:

وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ ۖ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ ۚ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

яъни: **“Ўзаро яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз ва адоват ва гуноҳ ишларда ҳамкорлик қилмангиз ва Аллоҳдан қўрқингиз. Албатта Аллоҳ таоло азоби қаттиқ зотдир” (Моида сураси, 2-оят).**

Аллоҳ таолога беҳисоб шукрки, юртимизда янгилашнишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ва тармоқ, шаҳар ва туман, қишлоқ ва овул қолмади. Янги Ўзбекистонда ислохотларнинг барчаси халқимиз кадр-қимматини янада

юксалтиришга, одамларни рози қилиш, ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилганини бутун ўз ҳаётимизда ҳис этишимиз.

Шунинг учун ҳам, барчаларимиз юқоридаги ояти карима ва Пайғамбаримизнинг муборок ҳадиси шарифларига амал қилмоғимиз лозим бўлади.

Сир эмаски, барчамиз умид билан Аллоҳ таолонинг розилигини топиш ва роббимиз томонидан ваъда қилинган улкан ажру-савобларга эришиш натижасида абадий саодат макони бўлмиш жаннатларга дохил бўлиш умидида тоат ва ибодатларни қўлимиздан келганича амалга оширмоқдамиз.

Мана куни кеча видолашганимиз муборок Рамазон ойида рўза тутиш, закот бериш ва Қуръони каримни хатм қилиш, таровеҳ ва таҳажжуд намозларини адо этиш ҳамда қадр кечаларида ухламай тунни бедор ўтказиш каби бир қанча солиҳ амалларни риёзату-машаққатлар билан амалга оширдик ва ҳозирда ҳам яхши ва савобли ишларни давом эттирмоқдамиз, алҳамдулиллаҳ.

Шундай экан, Қиёмат кунига борганда юқоридаги ҳадиси шарифда таъкидланган *“Қасодга учраган”* кимсага айланиб қолмаслигимиз учун бир-бирларимизнинг ҳақларимизга ҳам риоя қилайлик, раббимиз буюргани каби яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилайлик ҳамда Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳ таъкидлаганлари каби чин маънодаги тақводор ва солиҳ мўминлар сафидан жой олишга муваффақ бўлайлик!

Ҳақ таоло барчамизни Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга ривож берсин, фарзандларимиз улуг аجدодларга лойиқ фарзандлар бўлишини насиб айласин!

Аллоҳ таоло Ўзи бу борада барчамизга тавфиқ ва рушду-ҳидоятни ҳамроҳ айласин ҳамда *“Қасодга учраган бандалар”* дан бўлиб қолишимиздан Ўзи асрасин! Омин!

### **Турли қимор ўйинларидан сақланайлик!**

**Мухтарам азизлар!** Ҳозирги кунда турли қимор ўйинларида иштирок этиш, турли электрон савдо деб аталаётган амалиётларда қатнашиш кўплаб юртдошларимизнинг қарз гирдобидида қолиб кетишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, айни кунларда *“MetaGo”* (MetaGo) номи остидаги платформадаги амалиётларда қатнашиш авж олмоқда. MetaGO дастури аслида тармоқли маркетингнинг бир кўринишидир. Унда дастурга криптовалюта орқали пул киритилади. Киритган пулни сунъий интеллект – роботга пул ишлаш учун

рухсат берилади. Робот тикилган пулга бир биржадан ихтиёрий криптовалюта сотиб олиб, иккинчи биржага қимматроққа сотади. Кўрилган даромад олдиндан аниқ ваъда қилинган бўлади ва формула асосида тақсимланади. Мана шу жараён атиги 1-2 дақиқа атрофида бажарилади.

MetaGO дастури орқали пул топиш шариятимизга кўра ҳаром саналади. Чунки унда ҳам рибавий амалиёт, ҳам қимор бор. Ҳар иккиси ҳам динимизда қатъийан ҳаром қилинган бўлиб, ботил йўл билан пул топиш саналади. Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида шундай марҳамат қилган: **“Эй, мўминлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангизлар! ...”** (Нисо сураси, 29-оят).

Бундан ташқари дастур даромадининг бир қисми бўлиш криптовалюталар савдоси ҳам шаръан жоиз эмас. Унинг жоиз эмаслигига Халқаро Ислом фикҳи академияси, Миср Араб Республикасидаги “Дорул-ифто” каби фатво ташкилотлари томонидан ҳам фатво берилган. Чунки криптовалюталар ҳақиқий “пул бирлиги” ҳисобланмайди.

Аллоҳ таоло барчаларимизни қарз ғолиб бўлишидан, дунё ва охирадаги нохушликлардан асрасин. Мол-давлатларимизга ҳалолдан барака берсин! Омин!

### Диний соҳада олиб борилаётган ислохотлар

**Муҳтарам жамоат!** Маълумки, сўнгги йилларда юртимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам сезиларли ўзгариш ва ислохотлар амалга оширилди. Масалан, умра ва ҳаж ибодатларига оид жуда кўп енгилик ва қулайликлар яратилмоқда. Ўтган йили 12 минг киши ҳаж қилди. Бу йил бундан ҳам кўпроқ киши ҳаж қилиши кутилмоқда. Йил давомида умра қилиш имконияти пайдо бўлди. Албатта, кўплаб ота-боболаримиз орзу қилган бу катта неъматларга шукр қилиш ҳар биримизга бурчдир. Неъматларга шукр қилсак Аллоҳ таоло зиёда қилиш ваъдасини берган:

... لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ... ﴿سورة إبراهيم الآية-7﴾

яъни: **“...агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман...”** (Иброҳим сураси, 7-оят).

Ҳозирда кунда Саудия Арабистонида ишчи гуруҳ аъзолари ўз фаолиятини бошлаб, Ўзбекистонлик ҳожиларга хизмат қилувчи ширкат билан учрашув ўтказди. Меҳмонхоналар, озиқ-овқат таъминоти, Мино, Арофат ва Муздалифада шароитларни янада яхшилаш масалалари келишиб

олинди. Зиёратчиларни гуруҳларга ажратиш, элликбошилар бириктириш, уларнинг малакасини ошириш, шифокорлаш ажратиш, ошпазларни жалб этиш ишлари якунига етказилди. Ўтган йилларда ҳожилар 7 та ҳудуддан ҳажга жўнатилган бўлса, бу йил тайёралар 10 та ҳудуддан тўғридан-тўғри Мадина шаҳрига учади ва бундан бошқа бир қанча қулайлик ва енгилликлар яратилмоқда.

Шундай экан, масъул ташкилотлар ҳаж масаласи билан шуғулланиб, масъулиятни зиммасига олиб, бир қанча шароит ва қулайликларни яратиб турган бир пайтда ҳажга олиб бораман, деб юртдошларимизнинг ихлоси, баъзида соддалигидан фойдаланадиган фирибгар кишиларга алданиб қолмаслик керак. Ҳаж масаласи таваккал билан, бир гап бўлар қабилида ҳал бўлмайди, балки ҳаж борасида Саудия Арабистони ҳукумати қўйган аниқ талаблар бажарилиши керак. Акс ҳолда Саудияга қандайдир йўллар билан етиб борсада, ҳаж қила олмай қайтиш эҳтимоли катта бўлади.

Аллоҳ таоло ҳаж ва умра зиёратларини ташкил қилиш каби хайрли ишларга бош бўлиб турган юртбошимиз ва бошқа мутасадди ташкилот ҳамда раҳбарларимизнинг хайрли ишларига барака берсин! Парвардигори олам бу йил ҳаж қилаётган юртдошларимизга осон қилсин ва ҳусни қабул айласин! Омин!

### **Гиёҳвандлик – кони зарар!**

**Мухтарам азизлар!** Гиёҳвандлик шахс ва жамиятнинг мол-мулкига ва бойлигига ҳам мислсиз зарар етказади. У тинч-тотув оилалар ажримига сабаб бўлади, болаларни етим ва ногирон қилади, қашшоқлик, муҳтожликда яшашга маҳкум этади.

Охир-оқибат, касаллик, узоқ муддат қамоқхона ёки ўлим билан якунланади. Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларидан бирида: **“Заҳар ичиб ўз жонини қатл этган кимса жаҳаннам оловида заҳарини мангу ичади”**, деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Аминмизки, орамизда гиёҳвандликка мойил кишилар йўқ. Биз ушбу маълумотларни эслатишимиздан мақсад жамиятимизда, ҳусусан, ёшларимиз орасида учраётган ушбу иллатлардан огоҳ бўлишга ундайлик.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳайитларга саломат етказсин! Қурбонлик ва шу каби ўзи рози бўладиган амалларда бардавом қилиб, икки дунё саодатига мушарраф айласин! Омин!

## Ашуро куни фазилати

**Ҳурматли жамоат!** 19 июлдан ҳижрий 1445 йил бошланади. Унинг биринчи ойи Муҳаррам ойи бўлиб, Рамазон ойдан кейин энг ҳурматли ойдир. Ашуро куни эса Муҳаррам ойининг ўнинчи кунидир. Муҳаррам ойи ва унда рўза тутишнинг фазилати ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча ҳадис ривоят қилинган. Жумладан:

"أَفْضَلُ الصِّيَامِ بَعْدَ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Рамазондан кейин рўзаларнинг афзали Аллоҳнинг ойи Муҳаррам (рўзаси)дир”** (Имом Муслим ривоятлари). Яна бир ҳадисда шундай марҳамат қилинган:

"صِيَامُ يَوْمٍ عَاشُورَاءَ إِلَيَّ أَحْتَسِبُ عَلَى اللَّهِ أَنْ يُكَفِّرَ السَّنَةَ الَّتِي قَبْلَهُ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي قَتَادَةَ)

яъни: Абу Қатода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ашуро куни рўзаси (сабабли) Аллоҳ ўтган йилги гуноҳларни кечирishiни умид қиламан”** (Имом Термизий ривоятлари).

Бундай улкан имконият Аллоҳ таолонинг биз – бандаларига қилган фазл ва марҳаматидир.

Ашуро куни (Муҳаррамнинг 10-куни)нинг рўзасини 9-куни билан қўшиб тутиш суннат амалдир. Фақат Ашуро кунининг ўзида рўза тутиш макруҳдир (“Фатвои Ҳиндия” китоби). Ашуро кунидан аввал ҳам, кейин ҳам бир кун рўза тутиш мустаҳаб бўлади (“Фатҳул Қадир” китоби).

Ашуро куни оила аҳлига кенгчилик қилиш борасида ҳадиси шарифда шундай деганлар:

مَنْ وَسَّعَ عَلَى عِيَالِهِ يَوْمَ عَاشُورَاءَ وَسَّعَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي سَائِرِ سَنَتِهِ (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبَيْهَقِيُّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ)

яъни: Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ким оила аҳлига Ашуро кунида (озик-овқат, кийим-кечакда ва бошқа нарсаларда) кенгчилик қилса, йилнинг қолганида Аллоҳ унга кенгчилик қилади” (Имом Байҳақий ривоятлари).

Имом Суфён ас-Саврий ҳазратлари: “Биз ушбу ҳадисни амалда қўллаб кўрдик ва унинг айtilганидек эканлигига гувоҳ бўлдик,” – деганлар. Суфён ибн Уяйна: “Биз буни 50-60 йил тажриба қилиб кўрдик ва фақатгина яхшилик кўрдик”, – деганлар.

Демак, Ашуро куни бозорлик қилиб, рўзғорини бут қилиб олса, йилнинг қолган ойлари ҳам баракали бўлиши умид қилинади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни одамлар ҳавас қиладиган, яхшилиги умид қилинадиган ва ёмонлигидан омонликда бўлинадиган кишилардан айласин! Омин!

### **Муҳтожларга ғамхўрлик – улкан савоб!**

**Мутарам жамоат!** Муқаддас Ислом динимизда ўзаро меҳрибонлик, сахийлик, қийналган кимсага ёрдам бериш ва ҳожатбарорлик каби хислатларга кенг тарғиб қилинади. Дарҳақиқат, инсон нафақат ўзи ҳақида ўйлаши, балки ўзгалар дарди билан ҳам ҳамнафас бўлиб яшаши керак. Зеро, Пайғамбиримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам боқувчиси йўқ ва мискинларга ёрдам берган кимса ҳақида шундай деганлар:

السَّاعِي عَلَى الْأَرْمَلَةِ وَالْمَسْكِينِ كَالْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَكَالَّذِي يَصُومُ النَّهَارَ وَيَقُومُ اللَّيْلَ

яъни: *“Бева ва мискинларни боқиб йўлида саъй-ҳаракат қилувчи киши худди Аллоҳ йўлида жиҳод қилган кишидек ва кундузи рўздор кечаси эса ибодатда қоим бўлган кишидек (ажр-савобга эга бўлади)”* (Имом Бухорий ривоятлари).

Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ёлғиз қарияларга ёрдам бериш, уларнинг турмуш тарзига кўмаклашиш ва ташвишларини аритиш ҳам жуда катта савобли ишлардан ҳисобланади. Бу борада ўтган улуғларимиз бизга намуна ва ибратдирлар. Буни қуйидаги ривоятдан билишимиз мумкин:

Мадина кўчаларидан бирида ҳеч кими йўқ, қаровсиз қолган, бунинг устига икки кўзи ожиз бир кампир яшарди. Унинг қийналиб қолганидан хабар топган ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бояги кампирни топиб, унга хизматларини таклиф этдилар:

Онажон, яқинларингиз ҳам, фарзандингиз ҳам йўқ экан. Ҳар куни ўзим келиб хабар олиб тураман. Уйларингизни тозалайман, таом тайёрлаб бераман, таҳоратингизга ҳам қарашаман. Хуллас, сизни машаққатлардан озод қиламан. Аммо хизматим миннатга айланмасин, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсиз.

Бир неча кундан кейин ҳазрат Умар кампирникига келсалар, уйлар чиннидай тозаланган, ҳамма ёқ ораста, тартибли, кампирнинг олдида егани таом ҳам турибди. Ҳазрат Умар таажжубланиб: “Эй онажон, ахир ўзим хабар оламан, ҳеч кимга айтманг, дегандим-ку!”, – дедилар. Мен ҳам ҳеч кимга ҳеч

нарсa деганим йўқ, – деди кампир. Ҳазрат Умар: “Мендан олдин савоб ишга кўл урган киши ким бўлдийкин?” деб тахмин қилиб турувдилар ҳамки, ичкаридан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу чиқиб келдилар. Ҳазрат Умар: Сиз... сизмисиз, эй амирул-мўминин, жоним сизга фидо бўлсин, – дедилар-у, тиллари бошқа сўз демоққа ожиз қолди. Икковлон бирга кетишар экан, ҳазрат Умар ҳайратларини яшира олмай: “Қайси ишда сиз билан мусобақалашай, десам, ҳаммасида мендан ғолиб чиқасиз!” деб тан олдилар.

Шундай экан, қавму қариндош ва маҳалла кўй ичида боқувчиси йўқ, қийналганларга таом бериш, уларни ҳолидан хабар олиш улкан ажр-савобдир.

Аллоҳ таоло ўзи барчамизга тавфиқ берсин, ҳамда юртимиз деҳқонларининг зироатлари ва боғбонларимизнинг боғдорчиликларига ғайбий баракотлар ато этсин ҳамда ушрларини ортиғи билан ва ихлос билан адо этувчи сахийлардан қилсин. Омин!

### Соқол қўйиш ва унга оид масалалар

**Мухтарам жамоат!** Маълумки, динимизда соқол қўйиш суннат амал бўлиб, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам буни ўз одатлари ва сўзларида кўрсатиб берганлар. Жумладан, қуйидаги ҳадисда бундай деганлар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "أَخْفُوا الشَّوَارِبَ وَأَغْفُوا اللَّحَى" (متفق عليه)

яъни, Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Мўйлабларингизни қисқартиринг ва соқолларингизни ўстиринг”** (Муттафақун алайҳ).

Абу Зуръа розияллоҳу анҳу айтадилар: *“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу соқолини тутамлар эди ва тутамдан ортигини олиб ташлар эди”* (Мусаннаф Ибн Абу Шайба ривоятлари).

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: *“Саҳобалар соқолдан бир қабзадан ортигини олишга рухсат берар эдилар”*, деганлар.

Улуғларимиз соқолларини бир қабзадан узун қилмасликларининг сабаби, кишининг кўриниши чиройли бўлсин ва одам нафратланадиган ҳолатда бўлмаслиги учундир. Зеро ислом шариати ботинни гўзал қилиш билан бир қаторда ташқи кўринишни ҳам чиройли қилишга тарғиб қилади.

Ҳанафий мазҳабининг баъзи манбаларида бир қабзадан ортигини олиб ташлаш қатъий таъкидланган. Жумладан, Имом Сиғноқий *“Бир қабзадан*

ортигини олиш вожиб бўлади”, деган. Имом Ҳаскафий “Бир қабзадан ортигини қисқартирмаса гуноҳкор бўлиб қолади”, дейдилар.

Соқолни тартибга солишни бизларга уламолар ва фуқаҳоларимиз кўрсатиб берганлар. Бу борада “Фикҳ мавсуаи китоби”да шундай дейилади:

إِنَّ الرَّجُلَ لَوْ تَرَكَ حَيْتَهُ لَا يَتَعَرَّضُ لَهَا حَتَّى أَفْحَشَ طُولَهَا أَوْ عَرَضَهَا لَعَرَّضَ نَفْسَهُ لِمَنْ يَسْخَرُ بِهِ , وَقَالَ

عِيَّاضُ: الْأَخْذُ مِنْ طُولِ اللَّحْيَةِ وَعَرَضِهَا إِذَا عَظُمَتْ حَسَنٌ , بَلْ تُكْرَهُ الشُّهْرَةُ فِي تَعْظِيمِهَا وَمِنْ الْحَبَّةِ هَذَا

الْقَوْلُ مَا وَرَدَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : «كَانَ يَأْخُذُ مِنْ حَيْتِهِ مِنْ طُولِهَا وَعَرَضِهَا»

яъни: “Агар киши соқолини узунасига ҳам, энига ҳам ўсиб катталашиб кетадиган ҳолатда қаровсиз ташилаб қўйса, ўзини масҳара қилинишига яъни бошқалар унинг устидан кулишига сабабчи бўлиб қолади. Қози Иёз айтадиларки, соқол ўсганида, уни бўйи ва энидан қисқартириб, тартибга солиш чиройли саналган ишдир. Аксинча, соқолни ўстириш орқали шуҳрат талаб бўлиш эса, макруҳдир. Бунинг далили шуки: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам соқолларини узунасига ҳам, энига ҳам қисқартириб, тартибга солиб юрар эдилар” (“Ал-мавсуатул-фикҳийя” китоби).

Мўмин одам ҳар бир ишда ҳатто ташқи кўринишию, кийинишида ҳам бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиши керак.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу борада Қайс ат-Тағлабийдан ривоят қилинган ҳадисда шундай деганлар:

"أَصْلِحُوا رَحَالَكُمْ، وَأَصْلِحُوا لِبَاسَكُمْ؛ حَتَّى تَكُونُوا كَالشَّامَةِ فِي النَّاسِ"

яъни: **“Минадиган уловларингиз ва киядиган кийимларингизни яхши ва гўзал қилинг токи одамлар орасида худди юздаги хол каби бўлингиз!”** (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Бундан ташқари бугунги кунда баъзи ёш йигитлар қанча-қанча фарз ва вожиб амалларни тарк қилиб, суннат бўлган соқолни қўйиб олганлар, лекин ачинарлиси уларнинг қилаётган ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворлари қўйган соқолларига умуман мос эмас. Бу қилмишлари билан улар динимиздаги бир суннат амалга нисбатан ҳурматсизлик қилиб, савоб ўрнига гуноҳ орттирмоқдалар. Шунга кўра, мусулмон киши ҳар бир ишда ҳатто ташқи кўриниши, кийиниши, минадиган улови ва ҳаттоки, соч-соқолларини ҳам чиройли ҳолда тартибли қилиб, бошқалар кўрса, ҳаваси келадиган даражада бўлиши лозим. Аксинча, соч-соқолларни бетартиб ўстириб, бошқаларга хуш келмайдиган сурат ва либосларда кўринишлари динимиз талабларига тўғри келмайди.

Хулоса қилиб айтганда, динда ғулувга кетиш мусулмонлар орасида тафриқага сабаб бўлади. Бунинг оқибатида фитналар, беқарорлик вужудга

келади. Тинчликка путур етади, жамият бирлиги заифлашади. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай деган: **“Аллоҳга ва Расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс ҳолда сустлашиб кетурсиз ва “шамолингиз” (обрўйингиз) кетиб қолур”** (Анфол сураси, 46-оят).

Демак, ўзаро келишмовчиликда, низода ва ихтилофда бўлиш, турли оқим ва фирқаларга бўлиниш шу халқнинг сустлашуви ва қуввати кетишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни ўзи мақтаган “ўрта уммат” сафига қўшсин! Ҳар соҳада мўътадилликка амал қилиб, икки дунё саодатига етишни муяссар қилсин! Омин!

### **Илм ва салоҳиятсиз фатво бериш хатари**

**Муҳтарам жамоат!** Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда баъзилар ўзича оят ва ҳадислардан ҳукм чиқариб, нотўғри фатволар бериб, ўзини ва ўзгаларни адаштирмоқда.

Баъзи бир эътироф этилмаган шахслар ёки маълум мақсадларга йўналтирилган тузилмалар томонидан қўштирноқ ичидаги “фатволар” инсонларни ислом маърифатидан узоқлаштиришга сабаб бўлмоқда. Айниқса, уларнинг “жиҳод”, “байъат”, “такфир”, “бемазҳаблик”, “ҳижрат” каби масалалардаги асоссиз “фатволари” ноҳақ қон тўкилишига олиб келмоқда ва инсонларнинг кафолатланган ҳуқуқларига раҳна солинишига сабаб бўлмоқда. Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг устозлари бўлган Робиа ибн Абдурахмонни йиғлаган ҳолда кўриб, ундан бунинг сабабини сўрашганда, у зот кишилар диний-ҳуқуқий саволларни билими бўлмаган шахслардан сўрашаётганини кўрганлиги, бу ҳолат исломда катта хатар пайдо бўлганлигидан дарак беришини таъкидлаган эканлар.

Демак, чуқур илм, тажриба ва холислик каби фазилат бўлмай туриб, фатво беришнинг оқибати хайрли эмас. Шундай экан, баъзи доира ёки гуруҳлар томонидан исломда улкан масала сифатида қаралган ҳукмларга эътиборсиз ва масъулиятсизлик билан фатво беришлари ўзлари ва ўзгаларни ҳам адаштиришдир. Қандай қилиб шахсларни ва бутун бошли жамиятларни кофирга чиқариб, жамоат олдида уларга эргашишни ҳаром демоқдалар?!

Хулоса қилиб айтганда, фатвонинг мусулмонлар ҳаётида ўрни муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, илм ва салоҳиятсиз фатво бериш ёки учраган кишидан фатво сўраш ва унга эргашиб кетавериш адашувга олиб боради. Бу каби салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи ихтилофларнинг

олдини олиш, биринчи навбатда, уламоларимизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло барчамизни тўғри йўлда собит қадам қилиб, фойдали илмлар олишимизга муваффақ айласин ва илмсиз ҳолда фавто беришдан паноҳида асрасин! Омин!

### **Атроф-муҳитни тоза сақлаш ва ободонлаштириш фазилати**

**Ҳурматли жамоат!** Суҳбатимиз давомида атроф-муҳитни тоза сақлаш ҳамда ободонлаштириш ҳақида сўз юритамиз. Дарҳақиқат, динимизда атроф-муҳитни тоза сақлаш ва ободонлаштириш ҳақида тарғиботлар жуда кўп. Ҳатто пайғамбаримиз алайҳиссалом бизни: *“Қиёмат қоим бўлиб қолса-ю, бирингизнинг қўлида кўчат бўлса, у қоим бўлгунича экишга улгурса, экиб қўйсин”*, деб кўчат экишга қизиқтирганлар (Имом Бухорий ривоятлари).

Шу кунларда муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа замирида ҳам айнан ободонлаштириш, кўкаламлаштириш билан бир қаторда атроф муҳит муҳофазаси, озодаликка эътибор қаратиш асосий мақсад этиб белгиланган. Мана шундай хайрли мақсадлар йўлида биз мусулмонлар ҳам биргаликда ҳаракат қилиб, ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Зеро, ер юзини обод қилиш, яхшилик ва хайрли амалларда бир-биримизга ёрдамчи бўлишимиз лозимлиги ҳақида ояти карима ва ҳадиси шарифларда очиқ ойдин баён қилинган. Инсон қаерда яшамасин, у қишлоқ бўладими, шаҳар бўладими, истиқомат қилиб турган жойларини обод қилиш ҳаракатида бўлиши лозим! Албатта, кўчат экиш фақат ҳисобот учун бўлиб қолмай, чин ихлос билан, яхши ният билан бўлиши лозим. Экилган кўчатларни тарбия қилиш, уларни қаровсиз ташлаб қўймаслик ҳам жуда муҳим. Чунки ҳар йили минглаб кўчат экиб, яна уларни қуришиб қўйиш фақат ўзимизни алдашдир.

Кун кеча, 30 октябрь кунини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Жиззах вилоятига сафарлари давомида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Айтиш лозимки, яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолари Кенгазининг навбатдаги йиғилишида иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига бефарқ бўлмаслик, табиатни асраб-авайлаш, **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги дарахт экиш ишларини жадаллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, унда ушбу лойиҳа соҳа ходимлари ўртасида “Табиат – Аллоҳ таолонинг омонатидир” шиори остида ўтказилиши белгилаб олинди.

Демак, “Яшил макон” каби хайрли ишларда ҳамжиҳат ва хайриҳоҳ бўлиб ҳаракат қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро яхшилик ва тақво ишларида ҳамкорлик қилиш динимиз шиорларидандир.

Аллоҳ таоло юртимизни обод ва тинч айлаб, барчамизга икки дунё саодатини насиб қилсин!

### **Динимизда бағрикенглик**

**Мухтарам жамоат!** Динимизда бағрикенгликнинг турли кўринишлари бор. Каттани кичикка, раҳбарни ходимга, отани фарзандларига, мусулмон киши диндош биродарига, мусулмон киши бошқа дин вакилларига, мусулмон киши бутун инсоният ва ҳатто ҳайвонот оламига бағрикенглиги ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Ҳатто бугунги суҳбатимиз мавзуси йўллардан фойдаланишда ҳам ўзаро бағрикенгликка жуда муҳтожмиз.

Юртимизда “16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни” ҳар йили кенг нишонланади. Жорий йилда ҳам ўзингиз гувоҳи бўлганидек, **“Бағрикенглик ҳафталиги”** доирасида қатор маърифий тадбирлар ўтказилди.

Барчангизга маълумки, мурувват, диний бағрикенглик Исломнинг тамал тошидир. Ислом илк давриданок собиқ динларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмади, турфа мазҳаб ва мафкураларга қарши таассуб этмади. Ислом биринчи кунларданок диний бағрикенгликнинг оламшумул шиорларини ўртага ташлади. Бу ҳикматни теран ангалаган доно халқимиз мана неча асрлардирки ўзга дин вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшаб, бу шиорларга ҳозиргача амал қилиб келмоқда.

Аллоҳ таоло барчамизни солиҳ бандаларидан қилсин! Йўл ҳақларига риоя қиладиган, инсонларга нисбатан бағрикенг ва мурувватли бўлишимизга муваффақ қилсин! Омин!

### **1 декабрь “Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни”**

**Мухтарам жамоат!** Маълумки, 1 декабрь “Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни” сифатида белгиланган. Бу касаллик халқ ичида СПИД номи билан машҳур. Ҳозиргача бу касалликнинг давоси топилмаган. Тиббиёт соҳаси мутахассисларининг таъкидлашича бу касалликдан сақланишнинг ягона йўли касалликнинг одамдан одамга ўтиш йўлларини билиш ва ундан

сақланишдир. Вируснинг бошқа одамга ўтиш йўллари уч турлидир. Жинсий алоқа орқали, қон орқали ва онадан болага ҳомиладорлик, туғиш ва кўкрак сути билан озиқлантириш жараёнида ўтиши мумкин.

Бу касаллик асосан зино ва гиёҳвандлик билан шуғулланадиган шахслар орасида кенг тарқалади. Демак, динимиз бизни қаттиқ қайтарган ишлар зино ва гиёҳвандликдан сақланиш, бу касалликдан узоқ бўлишимизга ёрдам беради.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: **“Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир”** (Исро сураси, 32-оят). Ўзгача берилса, бу оятда “зино қилманг”, дейилмаган, балки “зинога яқинлашманг”, деб амр қилинган. Бундан келиб чиқадики, мўмин банда зинога олиб бориши мумкин бўлган ҳар қандай ишдан узоқ юриши лозим. Бу ҳақда ҳадиси шарифда шундай дейилган: **“Қайси бир халқда фаҳш тарқалса, ҳатто уни очикчасига қилсалар, уларда ота-боболарида бўлмаган ўлат ва юқумли касалликлар тарқалади”** (Имом Ибн Можа Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Яна шунини билиш керакки, бир марталик шприцларни икки кишига ишлатиш, соқол олиш асбобларини қайта ишлатганда, педикюр, маникюр, татуировка, татуаж ва пирсинг каби маиший муолажаларда ностерил асбоблардан фойдаланилганда ҳам бу вируснинг юқиш эҳтимоли пайдо бўлади.

Бу касалликнинг кенг тарқалишини олдини олиш учун ҳар бир никоҳланувчи ёшларимиз тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Шунда уларнинг келажақдаги оиласи тинч, соғ-саломат бўлади.

Чет элларда ишлайдиган биродарларимизга ҳам шунини эслатамизки, узоқ юртларда ҳам ўзларини гуноҳлардан сақласинлар, гигиеник талабларга риоя қилиб, соқол олиш, тирноқ тозалаш каби маиший анжомлардан умумий тарзда фойдаланишга йўл қўймасинлар.

Аллоҳ таоло барчамизни турли бало-офатлар ва ёмон касалликлардан Ўз паноҳида асрасин! Омин!

## **8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

**Муҳтарам жамоат!** Маълумки, ҳар бир давлатнинг равнақи ва фаровонлиги юртда амалда бўлган қонунларнинг адолатлиги ва инсонпарварлигига, халқ томонидан ушбу кўрсатмаларга амал қилинишига боғлиқдир.

Бу қонун-қоидалар халқнинг минг йиллик тарихи, маданияти, урф одатлари ва дин-диёнатидан келиб чиқади. Деярли барча давлатлар ўз қонунларига асос бўлиши учун асосий қонунни қабул қилганлар ва бу қонунни конституция деб атаганлар. Бугун **8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** қабул қилинган кун.

Айтиш жоизки, ислом динимизнинг қарашларига асосий ҳуқуқий қомусимиз ҳамоҳангдир. Ана шундай ҳамоҳанглик Конституциянинг деярли барча моддаларида сезилиб туради.

Хабарингиз бор, жорий йилда Қомусимиз замон талабига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага ошди. Умуман, конституциямиз 65 фоизга янгиланди.

Жумладан, Конституция 1-моддасида Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олмоқда. Бу давлатимиз бойликларини ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги кабиларни англатади. Оддийроқ айтганда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-ўлғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти яратилади.

Шунингдек, Қомусимизда инсон ҳуқуқлари, бурч ва вазифалари билан бирга виждон эркинлиги ҳам алоҳида кафолатлаб қўйилган. Бундан ташқари инсон қадри буюклиги, уни ким бўлишидан қатъий назар шаъни ва қадр-қиммати ҳимояланиши таъкидланган. Жумладан, 13-моддада: “...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деб қайд этилган.

Кишилиқ жамиятида қонунларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Дарҳақиқат, адолатли қонунлар – халқ фаровонлиги ҳамда дунё ва охират ободлигининг асосидир.

Аллоҳ таоло юртимизни тинчлигини бардавом айлаб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга бўлган муҳаббатларимизни зиёда қилсин! Қиёматда Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг муборак шафоатларига эришиш ҳамда жаннатда Расулига қўшни бўлиш бахтини насиб этсин! Омин!

## Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

**Ҳурматли жамоат!** Аллоҳ таоло бизга неъмат ўлароқ ато қилган сув, табиий газ, электр энергия каби табиий ресурсларнинг қадрига етишимиз, уларни исроф қилмасдан ишлатишимиз муҳим. Чунки бу неъматлар ҳам чексиз эмас, улар ҳам бир кун келиб камаяди, тугайди. Лекин улардан оқилона фойдаланиш орқали келажак авлодимизга ҳам бу неъматларни мерос қолдиришимиз мумкин. Зеро динимиз бизни исрофдан қайтаради, тежамкорлик, мўътадилликка тарғиб қилади. Яна бу неъматларни истеъмолчиси сифатида уларнинг ҳақларини вақтида адо қилиб боришимиз лозим. Шундай қилмасак, бу маҳсулотларнинг узилиб қолишига ва ҳақдорнинг ҳақини адо қилмасликка сабаб бўлади. Ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини адо қилиш ҳам бурчимиздир.

Барчамизга маълумки, Ислом динимиз исрофдек оғир гуноҳдан қайтаради. Аллоҳ таоло Қуръони каримда исрофгарларни суймаслигини ва улар шайтоннинг биродарлари эканлигини баён қилган. Жумладан,

إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ

яъни: “...У исроф қилувчиларни севмагай” (Аъроф сураси, 31-оят).

وَأَتِذَا الْقُرْآنُ يُقْرَأُ وَالْمَسْكِينُ وَالْبَائِسُ وَالْأَعْيُنُ حَافِظُونَ لَهُ وَمَا يُنْفِقُونَ مِنْهُ يُنْفِقُونَ عَنْ طَمَعٍ لَّهُمْ خَالٍ وَعَنِ الْفَقْرِ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ خَالٍ وَقَدْ أَخْرَبَ بِهِ الدُّنْيَا لَعْنَتُهُمْ إِنَّهُمْ جَمْعٌ بَشَرٌ لَقَدْ كُفِرُوا بِهِ فَأَصْغَوْا فِي يَوْمٍ كَثِيرٍ مِمَّا يَضَعُونَ

яъни: “Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди” (Исро сураси, 26-27-оятлар).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳадисларининг бирида:

﴿كُلُوا وَاشْرَبُوا، وَابْسُوا وَتَصَدَّقُوا، فِي غَيْرِ إِسْرَافٍ وَلَا مَخِيلَةٍ﴾ (رواه الإمام البخاري)

яъни: “**Енглар, ичинглар, кийининглар ва садақа қилинглар, исроф ва мактанчоқлик қилмаган ҳолда**” (Имом Бухорий ривоятлари).

Бугунги кунда одамлар баъзи минтақаларда сувсизликдан, қурғоқчиликдан қийналмоқда. Озгина фикрлаб кўрсак, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бугунги инсонлардан анча олдин сувни исроф қилмаслик ҳақида кўп таъкидлаганларини кўрамиз. У Зот алайҳиссалом таҳорат қилаётган буюк саҳобалардан бирини сувни исроф қилишдан қайтариб шундай деганлар:

﴿وَإِنْ كُنْتَ عَلَى نَهْرٍ جَارٍ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ)

яъни: *“Агар оқиб турган дарё лабида бўлсангиз ҳам, сувни исроф қилма!”* (Имом Аҳмад ривоятлари).

Демак, сув, табиий газ, электр энергия каби табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Бу динимизнинг талаби бўлиб, фойдаси ўзимиз ва келажак авлодимизга бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни ўз неъматларини қадрига етиб, шукрини адо этадиган солиҳ бандалридан айласин! Омин!

---

**Муҳтарам имом домла! Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қилган мурожаатига биноан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича белгиланган тўлов муддати 15 октябрга қадар тўланиши шарт. Ушбу вақтга оз қолганлигини инобатга олган ҳолда жамоатга мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда бошқа коммунал тўловларни ҳам ўз вақтида тўлашлари бўйича эслатма беришингизни, шунингдек, кунлар совиб бориши натижасида аҳолининг табиий газдан фойдаланиши ортиб бориши сабабли куз-қиш мавсумини талофатсиз ўтказиш мақсадида газдан тўғри фойдаланиш ва ис газидан заҳарланишдан эҳтиёт бўлиш чоратадбирлари ҳақида эслатиб ўтишингизни сўраймиз.**

### **Ҳизбут-тахрир фитнасидан огоҳ бўлинг!**

Ислом тарихидан маълумки, ўн тўрт аср олдин Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни турли фирқаларга бўлиниб кетишидан қайтарган. Бу ҳақида Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: *“Бани Исроил етмиш икки фирқага бўлинган. Менинг умматим ҳам етмиш уч фирқага бўлинади. Бир тоифадан ташқари уларнинг барчаси дўзахийдир”*. Шунда саҳобалар: “Нажот топувчи фирқа кимлар, эй Расулуллоҳ!”, деб сўрадилар. Пайғамбаримиз: *“Улар мен ва саҳобаларим юрган йўлдагилардир”*, деб жавоб бердилар.

Охириги вақтларда мусулмонларнинг аҳволини “тўғирлаш”ни даъво қилувчи турли фирқалар пайдо бўлиб, ҳар бири ўзининг ғоялари энг холис ва тўғри эканини даъво қилмоқдалар. Мана шундай жамоалардан бири бу – “Ҳизбут-тахрир ал-исломий” экстремистик ташкилот ҳисобланади.

Аҳли сунна вал-жамоа уламолари томонидан “Ҳизбут-тахрир” ташкилотининг ақидавий, фикҳий масалалардаги даъволари асоссиз экани

таъкидланган. Унинг раҳнамолари Ислом динининг эътиқодий қарашларига секин-асталик билан ўз ботил фикрларини киритишга ҳаракат қиладилар. Партиянинг ақидавий қарашлари Ислом тарихида ёмон ном қозонган ва ўз даврида уламолар томонидан ботил экани исботланган “мўътазилия” ва “қадария” оқимларининг тутган йўлидан юрадилар.

Жумладан, партия вакиллари ўз аъзоларига қабр азоби ва Дажжолнинг чиқишига эътиқод қилишни ҳаром қилган. Шунингдек, улар мотуридия таълимотига зид ўлароқ, ҳидоятга келган инсон фақат ўз хоҳиши ва интилиши билангина бунга эришгандир, бунга Аллоҳ хоҳишининг ҳеч бир алоқаси йўқ, деб даъво қиладилар. Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг “Ал-фикҳул-акбар” асарида бунга раддия ўлароқ шундай дейилган: *“Аллоҳ таоло хоҳлаган бандаларини Ўз фазли билан ҳидоят қилади ва хоҳлаган бандаларини Ўз адолати билан залолатда қолдиради...”*.

Ундан ташқари, “Ҳизбут-таҳрир” аъзолари қасам ичиш, бегона аёллар билан ношаръий муносабат, фазогир ва икки қутбда яшовчиларнинг ибодати каби масалаларда соф Ислом шариятига хилоф равишда фатволар берганлар. Бунга кўплаб замонамиз уламолари томонидан таълиф этилган асарларда илмий раддиялар берилган. Жумладан, марҳум Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Дин насиҳатдир” асарлари бунга мисол бўлади.

“Ҳизбут-таҳрир” аъзоларининг нотўғри фатволаридан бири сайлов ва референдумларда қатнашишни шариятга зид дейишдир. Ваҳоланки, Замонамиз уламолари сайлов ёки референдум каби жамиятнинг муҳим масалаларида ўз фикрини билдириш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи бўлиб, агар шу йўл билан мусулмон киши ўз дини ва жамияти учун зарур бўлган ишни амалга ошириб, яхшиликни жалб қиладиган бўлса, бу иш ҳолатга қараб, вожиб даражасида бўлиши ҳам мумкин, дейдилар. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўмин-мусулмонларни мактаб: **“Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур”**, – дея марҳамат қилган (Шўро сураси 38-оят).

Қолаверса, **Фатво ва тадқиқотлар бўйича Европа кенгаши** айнан сайлов ва референдумлар масалада шундай фатво эълон қилган: **“...Мусулмонларнинг сайловларда иштирок этиши – фуқаролик ҳуқуқларидир. Бундан ташқари жамият учун яхшиликни жалб этиш ва зарарни даф этиш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳам уларнинг диний мажбуриятларидир. Аллоҳ таоло айтади: **“(Эй мўминлар), сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!”** (Моида сураси 2-оят).** Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг сайлов ва референдумларда иштирок этиши мумкин ва бунда шарият жиҳатидан ҳеч қандай таъқиқ йўқ, деб айта оламиз”.

Хулоса қилиб айтганда, мусулмонлар орасида турли ихтилофлар чиқариш Ислом дини кўрсатмаларига зид амал ҳисобланади. Мана шундай масалаларида турли саволлар, тушунмовчиликлар юзага келса, юртимизда фаолият олиб бораётган имом-хатиблар ёки Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги веб сайтларга мурожаат қилишларингизни сўраймиз.

Аллоҳ таоло барчаларимизни рушду ҳидоятда собитқадам қилиб, турли залолат йўлларида кириб қолишдан Ўз паноҳида асрасин!

### **Мусулмон киши ўзгаларга озор бермайди!**

**Муҳтарам жамоат!** Инсон жамиятда тинч ва хотиржам яшашига халақит қиладиган баъзи иллатлар борки, улар билан курашиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ҳозирда баъзи кибр ва фахрга берилган, ўзини ўзгалардан қудратли, пулига ҳамма нарсани қила олишига ишонган, одамларни зўравонлик билан қўрқитмоқчи бўлган одамлар учраб туради. Улар гоҳида ўзларига ўхшаган тоифалар билан муштлашув, пичоқбозлик каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқарадилар.

Инсон ҳаётига дахл қилиш, уни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш оғир жиноят бўлишига қарамасдан нима учун бу жиноят енгил саналиб, кўп учраётгани катта муаммо ҳисобланади.

Муқаддас Ислом динимизда ҳам ноҳақдан одам ўлдириш гуноҳи кабиралардандир. Аллоҳ яратган, ҳаёт берган бегуноҳ жонни яшашдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қуръони Карим Нисо сураси 93-оятда одам ўлдириш нақадар катта гуноҳ ва жазоси нақадар оғир эканлиги қуйидагича баён қилинган: **“Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатида дучор бўлган, Аллоҳ у учун улуг азобни тайёрлаб қўйгандир”** (Нисо сураси 93-оят). Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан бирида: **“Осмонлару Ернинг аҳллари тўпланиб бир мусулмонни ўлдирсалар, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини дўзахга солади”**, дейилган (Имоми Термизий ривояти).

Бу жиноят ҳам етмагандек, ўлган одамни қасосини олиш учун ўзбошимчалик билан айбдорни топиб жазоламоқчи бўлишади. Ҳатто бунга диний тус берадиганлари ҳам учраб туради. Ваҳоланки, динимизда бу тарзда одамларни жазолаш қатъий ман қилинган. Шу ўринда яхши тушуниш керак, шахслар ўзича қасос олиши мутлақо мумкин эмас. Бу иш жамиятнинг ва ундаги масъулиятли муассасаларнинг вазифаси ва ҳуқуқи ҳисобланади. Қадимда бу ишни қозилар бажарган. Улар давлат раҳбари томонидан маҳсу

тайинланган ва ҳар бир жиноятни, жиноятчини тўлиқ ўрганиб хулоса чиқаришга имконлари ҳам бўлган. Бунинг устига динимизда авф қилишга тарғиб кучли. Ўлдирилган шахснинг валийси ёки тан жароҳати олган киши қасос ҳам олмай, хун пули ҳам олмай, жиноятчини авф қилиб юбориши мумкин. Бунинг учун ажру-савоб ва Аллоҳнинг розилигига эришилади.

Ҳозирги кунда эса ҳар қандай жиноятга жазони суд ҳуқуқ тизими белгилаб беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, қадимдан ўрта Осиёда илм марказларидан бири бўлган, не не алломалар, қорилар, фозилу фузалолар етиштириб берган Қўқон шаҳрида одамларни ўзбошимчалик билан жазолашга уринишлар пайдо бўлаётгани, бунга диний тус бериб, гўёки тўғри иш бўлаётганини даъво қилиш динимиз кўрсатмаларига мутлақо зид ва давлат қонунларида жиноят деб белгиланган.